

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Жаҳонда турли миллат вакилларининг бир мамлакатда тинч-тотув яшашлари, умуминсоний бағрикенглик тамойилларини ривожлантиришга интилишлари янги асрга хос хусусият ҳисобланади. Жамият тараққиётида турли миллат ва элатлар ҳуқуқлари, манфаатлари таъминланиши, уларнинг тили, маданияти ва тарихига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиниши демократик ислохотлар жараёнида муҳим жиҳатлардандир.

Тарихнинг турли таҳликали даврларида юртимиз бошига мусибатли кунлар тушди. Маълумки, XX аср 30-йилларида мустабид тузумнинг қатағон сиёсати ва Иккинчи жаҳон уруши даврида ўз юртидан мажбуран кўчирилган, бадарға қилинган элат ва миллат вакиллари халқимиз бағрини очди. Меҳр кўрсатди. Энг оғир дамда уларга ёрдам қўлини чўзиб, бир бурда нонини баҳам кўрди. **Корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, қрим-татарлар** бу бағри кенг заминда ўзининг иккинчи ватанини топди. Улар ўзларининг янги ватанларида маҳаллий аҳоли билан эмин-эркин турмуш кечирдилар. Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган миллат ва элатлар сони XX аср давомида мунтазам ўсиб борди. Агар 1897 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида 70 га яқин миллат ва элатлар истиқомат қилган бўлса, 1926 йилга келиб 91 та, 1959 йилда 113 та ҳамда 1989 йилга келиб 136 тага етди¹.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Шу сабабли сўнгги йилларда жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Зеро, “Мамлакатимизда бағрикенглик маданиятини юксалтириш, миллатлар ва конфессиялараро ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланади ...”².

Шу маънода таъкидлаш керакки, мамлакатимиздаги миллатлараро ҳамжиҳатлик узоқ йиллар мобайнида давлат томонидан олиб борилаётган тизимли сиёсатнинг ҳосиласидир. Бу борада амалга оширилган ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар билан боғлиқ қуйидаги аниқ далилларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

¹ Худойбергенова Ф.Т. Миллатлараро тотувлик - тараққиётнинг муҳим омили. “Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, миллий, диний ва сиёсий бағрикенгликни янада ривожлантиришнинг ижтимоий, фалсафий масалалари” Республика илмий – амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами 2020. –Б. 116.

² Мирзиёев Ш.М. “Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида” мавзuidaги халқаро конференция иштирокчиларига. – Тошкент шаҳри. 2017 йил. 18 октябрь // Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон”, 2018. – Б. 455.

Шубҳасиз, мамлакатимизда бу борада амалга оширилган ислоҳот ва ўзгаришлар негизида конституцион нормалар мавжудлиги алоҳида таъкидга лойиқ.

Мамлакатимизда яшаб келаётган миллат ва элатлар вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тамойиллари турмушга фаол татбиқ этилмоқда. Бош қомусимизда Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон фуқаролари ташкил этиши муҳрлаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишини, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини эълон қилган ва кафолатлаган.

Чиндан ҳам, Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси Муқаддимасида** Ўзбекистон халқи ушбу Конституцияни “фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида” қабул қилгани алоҳида таъкидланган. Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани мустаҳкамлангани баробарида, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши қайд этилган.

Бош Қомусимизнинг **8-моддасида** “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади” деган норма белгилаб қўйилган. Ана шу конституциявий талабдан келиб чиқиб, ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конституциямизнинг **19-моддасига** кўра, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, дея белгиланган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари қабул қилингани бу борада айтиш мумкин бўлди.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 19 майдаги Фармони жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар онгида катта, кўп миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган таъсирчан ташкилий-институционал чора-тадбирларни ўзида қамраган.

Бу ҳақда фикр юритганда, авваламбор, шу пайтга қадар фаолият юритиб келган **иккита йирик тузилма** – Республика байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилганини таъкидлаш лозим.

Бунинг натижасида Республика байналмилал маданият маркази, миллий маданий марказлар, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, дўстлик жамиятлари ягона Қўмита негизида бирлашди.

Бугунги кунда Қўмита мамлакатдаги **156 та миллий** маданий марказ, **38 та дўстлик** жамияти ва хориждаги **98 та ватандошлар** жамияти билан ҳамкорлик қилмоқда. Чет элдаги ҳамкор ташкилотлар билан икки томонлама алоқаларни ривожлантириш бўйича **5 та англашув меморандуми** ва коммюнике имзоланди.

Эндиликда ушбу Қўмита жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ҳамюртларимиз диаспораси билан дўстликни мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини изчил амалга оширмоқда.

Президентимиз 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масалаларга тўхталиб, **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш бўйича таклиф билдирганди. 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессияси 51-йиғилишида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси **193 та аъзо мамлакат** томонидан яқдиллик билан қабул қилинди.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилишида ўзига **хос рамзий маъно** бор. Бугун миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш

борасидаги Ўзбекистон намунаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бинобарин, она заминимизда динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик чуқур тарихий илдизларга эга.

Миллатлараро тотувликни таъминлаш Ўзбекистоннинг замонавий давлат сифатида ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро муносабатлар соҳасида белгиланган вазифалар доирасида 40 дан ортиқ **меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар – 2 та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 та фармони ва 8 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 20 та қарори, Олий Мажлиснинг 3 та қарори** қабул қилинди.

Яна бир муҳим жиҳат: Президентимиз 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини қайд этиб, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль – Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланиши, шу боис мазкур санани Ўзбекистонда **“Халқлар дўстлиги куни”** деб белгилашни таклиф этгани юртимизда истиқомат қилувчи кўп миллатли фуқароларимизни бениҳоя қувонтирди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 10 февралдаги Қонунига асосан, мамлакатимизда 30 июль – “Халқлар дўстлиги куни” этиб белгиланган.

Сўнгги йилларда ушбу санага бағишлаб “Дўстлик” ҳафталиги ва “Дўстлик” халқаро форум-фестивали каби йирик халқаро тадбирлар ташкил этилмоқда. Ҳукуматнинг тегишли қарори билан “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони таъсис этилди. Ушбу кўкрак нишони билан юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшган, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида фидокорона меҳнат қилган, шунингдек, хорижий мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришда самарали натижаларга эришган маҳаллий ва хорижий давлат органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда хориждаги ватандошлар тақдирланади.

Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган **“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”**да ҳам айнан жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги **74-мақсад** жамиятда миллатлараро тотувлик ва

динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги тегишли вазифаларни ўз ичига олган.

Мамлакатимизда миллий ўзликни сақлаб қолиш, этник қадриятларни ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларга, яқин ўтмишдагидан фарқли равишда миллатчиликнинг ўсиши деб эмас, балки табиий-тарихий жараён сифатида қаралмоқда ва тегишли институционал асослар яратилмоқда. Хусусан, этномаданий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, миллий урф-одатлар ва анъаналар ривожига ҳар томонлама шароит яратиш мақсадида республикадаги турли миллатларга мансуб миллий-маданий марказлар фаолиятига кенг йўл очиб берилганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимиздаги дастлабки миллий-маданий марказлар корейслар, **қозоқлар, яҳудийлар, арманлар томонидан 1989 йилда** тўзилган. Мустақиллик йилларида уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун кенг имконият яратилди. Агар 1992 йил 10 та миллий-маданий марказ иш олиб борган бўлса, 1995 йилда уларнинг сони 72 тага, 2003 йилга келиб эса 135 тага етган. Бугунги кунда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси мамлакатимизда фаолият юритаётган 156 та миллий маданий марказ, 38 та дўстлик жамияти ва хориждаги ватандошларнинг 98 та жамияти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар республика маданий марказлари, вилоят, шаҳар ва туман маданий марказларидан иборат. 2023 йилда янги **3 та миллий маданий** марказ ташкил этилди.

Мамлакатимизда яшовчи турли миллат вакилларининг урф-одатларини сақлаб қолиши, миллий ҳамда маданий байрамларини нишонлашларига **кўмаклашиш мақсадида 156 та миллий-маданий** марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида миллий маданий марказларнинг **500 дан ортиқ фаоли давлат мукофотларига сазовор бўлди**, орден ва медаллар билан тақдирланди, жумладан, **14 нафарига “Ўзбекистон Қаҳрамони”** юксак унвони берилди.

Юртимизда мавжуд 10 мингдан зиёд мактабнинг 2 минга яқинида қардош тилларда таълим-тарбия олиб борилиши, ўзбек тили билан қўшиб ҳисоблаганда **7 тил (ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик, туркман тиллари)да** дарс ўтилиши қонуний таъминлангани ва мана шу етти тилда давлат томонидан дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳам мунтазам равишда чоп этиб борилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, олий таълим тизимида ўқиш миллий тилларда олиб бориладиган махсус факультет ва бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 30 фоиздан ортиғи мустақиллик йилларида ташкил этилганини алоҳида қайд этиш жоиз. **Телерадиокўрсатув ва эшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда, газета ва журналлар 14 дан ортиқ тилда чоп этилмоқда.**

Миллатлараро муносабатлар соҳасида янги давр мутахассисларини тайёрлаш мақсадида 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида антропология ва этнология таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон миллий университетида **“Амалий этнология”** лабораторияси, кейинчалик университетнинг тарих факультетида **“Антропология ва этнология”** кафедраси ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатлар масалаларини таҳлил қилиш, этник низоларнинг ҳамда уларнинг салбий оқибатларининг олдини олишга эришиш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш борасида қатор тадбирлар кўзда тутилган.

Юртбошимиз ташаббуслари асосида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар суръати ва самараси, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан эркинлаштириш ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида эришилган салмоқли муваффақиятлар таҳлили мамлакатимиз халқининг Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича олижаноб мақсадлар ва ғоят муҳим вазифаларга эришишдан иборат ягона мақсад атрофида бирлашганини таъкидлаш учун барча асосларни беради.

Охирги йилларда Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларда қатор ижобий ишлар амалга оширилгани кузатилмоқда. Буни қуйидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди.

Биринчидан, миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги янада ошган.

Иккинчидан, жамиятда юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш фаолиятини ташкил этиш асоси сифатида жойларда миллатлараро муносабатлар ҳолатини мониторинг қилиш тизими ва механизмлари йўлга қўйилган.

Учинчидан, миллатлараро муомала маданиятини тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи ва анъаналарини ўрганиш бўйича таълим, ахборот ва маданий-маърифий чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган.

Тўртинчидан, миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари мутахассисларини, шунингдек, бошқа ташкилотлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида самарали механизмлар яратилган.

Эътиборлиси, ер юзидаги икки юз элликдан ортиқ давлатда 7 миллиард 700 миллион кишини ташкил этадиган, **7000 тил ва лаҳжада** гаплашадиган аҳоли истиқомат қилмоқда. Жаҳоннинг этник харитасига эътибор берсак,

бугунги кунда дунёда миқдоран бир неча юзтадан тортиб бир неча юз миллионни ташкил этадиган **2000 га яқин ҳар хил миллат ва элатлар** яшаётганининг гувоҳи бўламиз.

Шундай экан, миллатлараро бағрикенглик, улар орасида ўзаро ҳурмат ва дўстона алоқаларни ўрнатиш борасида бир қатор хорижий давлатлар катта мувафаққиятга эришганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, **Туркия**нинг Чет элдаги турклар ва қардош жамиятлар бошқармаси³ (Yurtdışı Türkler ve Akraba Topluluklar Başkanlığı - YTB) Туркия маданият ва туризм вазирлиги таркибида ташкил этилган. Ташкилот 2010 йил 6 апрелда ташкил топган бўлиб⁴, у хориждаги ватандошлар ва уларнинг гуруҳлари билан мамлакат элчихонаси ва консуллиги, Туркиянинг “Юнус Эмро” номидаги миллий маданий марказлари орқали алоқа ўрнатади (Алоҳида Юнус Эмро Фонди ҳам ташкил этилган).

Бошқарманинг асосий мақсади хорижда яшаётган 6,5 миллион турк фуқароси, шунингдек, қардош халқлар ва жамоалар билан алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

Ташкилот маданий марказлар, қардошлик ва биродарлик жамиятлари билан ҳамкорлик қилади, ташкилот номидан халқаро ташкилотлар билан битимлар имзолаш, лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро миқёсда мурожаатнома ва сўровлар киритиш ваколатига эга ҳисобланади.

Мамлакатдаги мавжуд миллий маданий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга амалий кўмак беради.

Ҳиндистонда этник озчиликлар масаласи билан “National Commission for Minorities” (NCM) - Ҳиндистон Озчиликлар ишлари вазирлиги шуғулланади. Мазкур ташкилот 2006 йил 29 январда мусулмон, насроний, буддист, сикх, парси ва жайн каби озчилик жамоалари билан боғлиқ масалаларга кўпроқ йўналтирилган ёндашувни таъминлаш учун ташкил қилинган⁵.

Озчилик ишлари вазирлиги ҳар йили Ҳиндистоннинг озчилик жамоалари талабаларига “Мома” стипендиясини тақдим этади. Бу стипендия вазирликнинг махсус стипендияси схемаси бўлиб, молиявий жиҳатдан кучли бўлмаган ва Ҳиндистонда олий таълим олишни хоҳловчи озчилик жамоалари талабаларини қўллаб-қувватлаш мақсад қилинган⁶.

Германияда Федерал ҳукуматнинг миграция, қочқинлар ва интеграция бўйича комиссари ва ирқчиликка қарши федерал ҳукумат комиссари интеграция сиёсатини янада ривожлантириш ва чет элликлар ва немислар

³ <https://www.ytb.gov.tr/kurumsal/bilgi-guvenligi-politikasi>

⁴ Манба

⁵ <https://ncm.nic.in/homepage/homepage.php>

⁶ https://en.wikipedia.org/wiki/Ministry_of_Minority_Affairs#:~:text=The%20Ministry%20of%20Minority%20Affairs,programmes%20for%20the%20minority%20religious

ўртасида биргаликда яшашни рағбатлантиришда Федерал ҳукуматни қўллаб-қувватлайди.

Ташкилот мигрантлар ва қочқинларга бошпана бериш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатдаги чет элликларларнинг рўйхатини юритиш, қочқинлар учун гуманитар ёрдамларни қабул қилиш ва тарқатиш, мигрант ва қочқинларни немис тилига ўқитиш (интеграция, миграция курслари), бошпана, миграция ва интеграция соҳасидаги илмий тадқиқотлар ўтказиш билан шуғулланади⁷.

Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш қўмитаси давлатнинг миллатлараро сиёсати соҳасида раҳбарлик қилади. Қўмита миллатлараро тотувликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширади.

Шунингдек, миллатлараро муносабатлар бўйича доимий таҳлилий прогнозлаш ишларини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Жумладан, миллатлараро зиддиятнинг олдини олиш мақсадида этномедиаторларни тайёрлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, 2023 йилда барча ҳудудлардан 1380 нафар талаба (давлат хизматчилари, таълим муассасалари ходимлари ва бошқалар) жойларда аҳоли билан ишлаш бўйича ўқитилган. Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги энг долзарб мавзулар бўйича 8 та услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, ҳудудларга татбиқ этилган.

Қирғизистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва миллатлараро муносабатлар давлат агентлиги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ижро этувчи органи ҳисобланади⁸. Давлат ичида этник ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Қирғизистонда “этник ҳамжамият кунлари”ни ўтказиш, этник театрлар, фольклор ансамбллари спектакллари, шеърят кечаларини ташкил этиш, турли этник гуруҳлар вакиллари учун қўшма бизнес лойиҳаларини ташкил этишга кўмаклашади. Этник хилма-хилликни бошқариш бўйича кадрлар малакасини ошириб келади. Бошқа ташкилотлар билан ҳар йили энг яхши миллий таомлар, энг яхши миллий ўйинлар ва бошқаларга бағишланган “Диаспора куни” деб номланган этник жамоаларнинг тадбирларини ўтказиш. Этник гуруҳларни бир-бирига яқинлаштиришга қаратилган танловлар ташкил этади⁹.

⁷ <https://www.service.bund.de/Content/DE/DEBehoerden/B/Beauftragte-r/Beauftragte-der-Bundesregierung-fuer-Migration-Fluechtlinge-und-Integration/Beauftragte-der-Bundesregierung-fuer-Migration-Fluechtlinge-und-Integration.html?nn=4641496>

⁸ <https://cbd.minjust.gov.kg/46-2869/edition/822415/kg>

⁹ <https://cbd.minjust.gov.kg/210041/edition/705072/kg>

Россия Федерациясида Президент ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар бўйича Кенгаш – маслаҳат ва консультатив орган, Миллатлараро ишлар бўйича Федерал агентлиги – мақоми бўйича Федерал ижро этувчи орган фаолият юритади. Кенгашда давлат миллий сиёсатининг концептуал асослари, мақсад ва вазифаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш амалиётини муҳокама қилиш, Президентга давлат миллий сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш, миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, илмий ва эксперт ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш вазифалари юклатилган. Бундан ташқари, 2020 йилдан **“Россия халқлари уйи”** ташкил этилиб, ташкилот миллий маданиятларни сақлаш ва ривожлантириш, уларнинг тилларини тиклаш ва ривожлантириш, бунда маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш орқали этник жамоалар миллий-маданий ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасида етарли ҳуқуқий, ташкилий ва институционал асослар яратилган. Ҳукумат томонидан турли миллатларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг натижасида, Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган миллат ва элатлар ўзларини **тарихий ватанларида** яшаётгандай ҳис қилишаётгани, ўз она тилларида мулоқотга киришишлари ва таълим олишлари учун кенг имкониятлар яратилгани эътирофга молик.

Шунингдек, мамлакат ҳудудида яшаб келаётган турли миллат вакиллари учун ахборотни ўз она тилида олиш имконияти тақдим этилгани, бу борада теле ва радио эшиттиришлар, газета ва журналлар фаолияти йўлга қўйилгани республикадаги бағрикенглик тамойилларининг ёрқин намунасидир.

Энг муҳими, кўп миллатли фуқаролар ўртасида тоқатсизлик кайфияти мавжуд эмаслиги, муносабатларда ўзаро ҳурмат ва дўстлик устуворлиги ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг натижадорлигидан далолат.

***Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази
Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари
Э.Улуғмуродов***